


Таҳажжуд намозининг фойдалари



10:07 / 20.11.2023 3734

هُلِّلَا يَضَرَّ رِيَّهَ يَبَا نَع
هُلِّلَا يَلْصِيَّ بِنَلَا نَع ، هُنَّ
ظُقْيَا إِذَا لَاقَ مَلْسُو هِيلَع
لِيْلَلَا نَمُّهَ لُجْرَلَا
يَفَ أَبْتُكَ أَعِي مَجَ أَيَّلَ صَفَ
بِتَارِكُ أَذْلَاوَنِي رِكُ أَذْلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эр кечаси ўз аҳлини уйғотиб, икковлари бир бўлиб намоз ўқисалар, зокир ва зокиралар қаторига ёзиладилар», дедилар».

Бу эса улуғ саодатдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда зокир ва зокираларга мағфират ва улуғ ажр тайёрлаб қўйганлигини айтгандир.

Шунинг учун ҳар бир мусулмон эркак кечаси хотинини уйғотиб, икковлари бир бўлиб, таҳажжуд намози ўқиб турсалар, ниҳоятда яхши бўлади.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ ةَمَامُ أَيَبَا نَع
هَلَلَا يَلَصَّيْبُنْ لَانَع ،
مُكَيْلَع : لاق ملسو هيلع
بُأدُهُ نِإْفِ لِيْلَلَا مَائِقِب
وَهُو ؛ مُكَلْبَقَ نِيحَلْ أَصْلَا
ةَرَفُكَمَو ؛ مُكُبَّرِ يَلِإِ ةَبْرُق
مُثِإِلْ ةَاهَنْ مَو ، تَائِيَّيَّ سِلَل
نَعِ ءَادِلْ ةَدْرُطَمَو ؛ ةَيَّأَوْرِي فَو
دَمْحَأَوُّيْ ذِمَّرْتَلَا هَأَوْرِي دَسَجَلَا
مُكْأَخْلَاو

Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга кечанинг қиёми лозимдир. Чунки у сизлардан олдинги солиҳларнинг одатидир. У Роббингизга қурбатдир. У ёмонликларга каффоротдир. У гуноҳлардан қайтарувчидир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«У жисмдан дардни қувгувчидир» ҳам деганлар.

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилганлар.

Намознинг фойдаларини санаб, саноғига етиб бўлмайди. Унинг турли фойдаларини қадимда ҳам, ҳозирда ҳам яхши билиб, тарғиб қилиб келганлар.

Ушбу ҳадисда эса тунги намознинг ўзига хос баъзи фойдалари зикр қилинмоқда:

1. «У сизлардан олдинги солиҳларнинг одатидир».

Ислом умматидан олдин қанча умматлар ўтган бўлса, уларнинг барчаларининг солиҳлари кечаси намоз ўқишни ўзларига одат қилиб олган эканлар. Ислом умматининг солиҳлари ҳам бу ибодатни ўзларига одат қилиб олишлари лозим экан. Демак, ким кечаси таҳажжуд намози ўқишни ўзига лозим тутса, инсоният тарихида ўтган барча умматларнинг аҳли солиҳларининг ибодат силсиласига қўшилган бўлар экан. Ҳар биримиз ушбу саодатга эришиш пайдан бўлмоғимиз лозим.

2. «У Роббингизга қурбатдир».

Роббил оламинга яқин бўлиш ҳар бир мўминнинг олий ғояси, орзу-умидидир. Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун ҳар қандай ишга рози бўлганлар кўп. Ана шу қурбатга эришишнинг энг осон йўлларида бири кечаси таҳажжуд намози ўқидир. Ким Аллоҳга муқарраб банда бўлай, деса, кечаси таҳажжуд намози ўқисин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берган нарса бўлмай қолмайди. У инсон албатта Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилади.

3. «У ёмонликларга каффоротдир».

Бандаи ожиз ёмонликларни қилиб қўйиб, уларни қандай ювишни ўйлаб юради. Содир этилган ёмонликларнинг энг яхши каффороти кечаси

Ўқиладиган таҳажжуд намози экан. Бас, шундай экан, бу намозни ўқишга ҳар бир мусулмон банда ҳаракат қилмоғи керак.

4. «У гуноҳлардан қайтарувчидир».

Инсон ҳал қилиш чорасини топа олмайдиган муаммолардан бири қандай қилиб гуноҳдан четланиб қолишдир. Бу муаммони ҳал қилишнинг энг самарали чораси – кечаси таҳажжуд намози ўқиш экан. Бу намозни етарлича ўқиган одамда малака ҳосил бўлиб боради. Бошқалардан кўра гуноҳлардан четланиши осон бўлиб қолади. Аллоҳга етишган, валийлик даражасига эга бўлган азизларнинг барчалари тунги таҳажжуд намозидан тўла фойдаланганликлари ҳеч кимга сир эмас.

5. «У жисмдан дардни қувғувчидир».

Демак, таҳажжуд намозининг саломатликка ҳам фойдаси бор экан. Бу иш ҳам тажриба ва илм ила собит бўлган ҳақиқатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таҳажжуд намозида бу дунё яхшилигию охираат саодати мужассамдир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди